

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШСИЗЛИК ВА НОСТАНДАРТ БАНДЛИК

ТЎРАЕВА ЭЪЗОЗА ФАРРУХ ҚИЗИ

М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетининг

Минтақавий иқтисодиёт ва менежмент кафедраси

таянч докторанти

Annotatsiya: Мамлакатимизда давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида иш ҳақи бўйича сурункали қарздорликни бартараф этиш, иш кучи мобиллигини ошириш, фуқароларни хорижда ишга жойлаштириш жараёнини соддалаштириш, педагоглар, тиббиёт ва маданият ходимлари, давлат бюджетидан молиялаштирилувчи бошқа тармоқлар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш каби масалаларнинг самарали ҳал этилишига эришилди.

Kalit so'zlar: иш кучи мобиллигини ошириш, иш ҳақи, педагоглар, тиббиёт ва маданият ходимлари,

Кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахсларнинг яшаш шароитларини яхшилаш, камбағалликни қисқартириш бўйича бугун ватанимизда кенг қамровли саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Ҳаммамизга маълумки, Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан яратилган Муносиб меҳнат Концепциясига биноан, самарали бандлик ва муносиб меҳнатда адолатли глобаллашувга эришиш, камбағаллик кўламини қисқартириш ҳамда барқарор ривожланишни таъминлаш йўлидаги ҳал қилувчи омилдир. Президентимиз ташаббуси билан инсон манфаатларини таъминлаш йўлида олиб борилаётган кенг-қамровли ислохотлар ва уларнинг натижалари, муносиб меҳнат соҳасида халқаро меъёрларига тўлиқ мосдир. 2023 йил ҳолатига кўра, ишсизлар сони 1,4 миллионга яқин эди. Шундан кейин пандемия таъсирида айрим корхоналар фаолиятини тўхтагани сабабли, ишсизлар сони 2 миллион нафарга яқинлашди. Пандемия келтириб чиқарган қийинчиликлардан биринчи галда норасмий ва ностандарт бандликда юрганлар ҳамда меҳнат мигрантлари азият чекди. Бундан ташқари, айтилган даврада хориждаги ишга бора олмаётган 500 минг нафарга яқин фуқаролар ҳам бор. Бу кўрсаткич одатда фоизларда ифода қилинади. Ўзбекистонда пандемияга қадар ишсизлик кўрсаткичи 9,3 % бўлган бўлса, айтилган пайтдаги ҳозирча тахминий ва бирламчи ҳисоб-китобларга кўра бу кўрсаткич 14-15% етган. Яъни, афсуски 5-6% ўсиш кузатилди. Лекин иккинчи томонидан бугунги кунда «яшил» ҳудудлардаги корхоналар аста-секин фаолиятини

тикламоқда ва бу ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Ҳозирда афсуски, президент матбуот хизматининг келтиришича, ёшлар орасида ишсизлик даражаси 20% ни ташкил қилади. “Маҳаллада “еттилик” ҳамфикр ва ҳамжиҳат бўлса, ишсизлик, жиноят бўлмайди. Бунинг учун уларда етарли ваколат бор. Мутасадди ташкилотларни жалб этиб, одамларнинг даромад топишига ёрдам бериш керак. Мактабда таълим сифатидан хабардор бўлиш, битирувчиларни олий таълимга, даромадли хуналарга йўналтириш зарур”, – дейди Ш.Мирзиеёв.

Ҳалқаро Меҳнат ташкилоти методикаси бўйича ишсизлик ҳар чорак якунларига кўра ҳисоб-китоб қилинади. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги қошида махсус илмий марказ фаолият кўрсатиб, унинг вазифаси ушбу кўрсаткичларни мониторинг қилишдан иборат. Жойларда махсус услуб ва формулаларни қўллаган ҳолда маҳаллалар ва тадбиркорлик субъектларида махсус сўровномалар тўлдириш орқали аниқланади. Ушбу метод халқаро тажрибаларга асосланган. Айти пайтда бирор жойда расман рўйхатдан ўтиб, бироқ ишламаётган фуқаро ҳар бир ҳудудларда фаолият юритаётган аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларимизга мурожаат қилиши лозим. Марказ мурожаатчига бўш иш ўринларини таклиф қилади. Агар мурожаатчига мос иш топилмаса у “ишсиз” деб топилмайди. Аввал унга бепул тарзда касб-хунар ўргатишга ҳаракат қилинади. Ана шундан кейингина унинг базавий билимига, соҳасига мос иш, агар унинг яшаб турган ҳудудида топилмаса ва бу шахс бошқа қатор мезонларга мос келса, бу ҳолатда у ҳақиқатдан “ишсиз” деб топилади ҳамда унга ишсизлик нафақаси белгиланади. Давлатимиз раҳбари иштирокида 2023 йилда ўтказилган селекторларда асосий мавзулардан бири камбағаллик ва қашшоқликни бартараф қилиш бўлган. Пандемия даврида, нафақат Ўзбекистон балки бошқа давлатларда ҳам иқтисодда сусайиш вужудга келди. Давлатимиз раҳбари ўз сўзида камбағаллик атамасини илк бор тилга олгани тарихий воқеадир. Бу муаммони бартараф этиш учун етарли имкониятлар кўп. Бу борада соҳа мутахассислари томонидан кўплаб давлатларнинг тажрибаси ўрганилди ва қўллаб келинмоқда. Президентимиз томонидан ажратилаётган маблағлар қишлоқ жойларда томорқа, чорвачиликни ривожлантиришга ҳаракат қилинмоқда. Тўғридан тўғри маблағ бериш вақтинча чорадир. Бу дастурлар аҳолимизга фаол ва самарали ишлаб, даромад олиш имкониятини яратади. Бугунги кунда томорқа ва уйда чорвачилик каби йўналишлар билан шуғулланганларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари эвазига йиллик стаж белгиланган, ва шу тарзда ишсизликка қарши курашиш кузда тутилган. Илгари репетитор, сантехник,

дурадгор каби касб эгалари норасмий ишлаб келишган, улар расман рўйхатдан ўтганидан кейин, йилига БХМнинг 4,5 баробар миқдорда тўлов белгиланган. Айтилган дамда ўз-ўзини банд қилувчиларнинг рўйхати 2,5 бараварга ошган ва уларнинг тўловлари БХМнинг 50% этиб белгиланган. Энди онлайн тарзда рўйхатдан ўтиб, тўловлар ўз вақтида тўланса, фуқаро учун стаж ёзилади ва нафақага чиқишда ҳисобга олинади. Мазкур вазиятни ҳисобга олган ҳолда, ностандарт бандлик турлари ва унинг ўзига ҳос хусусияти, мавсумий ва бошқа ностандарт бандлик шаклларига тадбиқ этиладиган халқаро меҳнат стандартлари, пахта теримчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва манфаатларини ифода этишда, касба уюшмалари томонидан амалга оширилаётган ишлар муҳокама этилди. Жамоавий меҳнат низоларини ҳуқуқий ҳал этиш, барча иш жойларида бирлашиш эркинлиги ва жамоа музокаралари ҳуқуқини бериш, “ноль жароҳатланиш” концепциясини илғари суриш, тенг қийматга эга меҳнат учун эркактар ва аёлларга тенг ҳақ тўлаш тамойилини самарали амалга ошириш, ходимлар иш вақти ва дам олиш вақти меъёрларига сўзсиз риоя этиш, каби йўналишлардаги ишларни янада такомиллаштириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди. Бугун меҳнат бозоридаги талаблар асосида касбий билимларга ўқитиш, меҳнат вазирлигининг устувор вазифасига айланган. Вазирлик тасарруфида 16 та “Ишга марҳамат” банд бўлмаган аҳолига хизмат кўрсатувчи “Мономарказ”, 59 та туман ва шаҳар касб-хунарга ўқитиш марказлари, 136 та маҳаллада касб-хунарга ўқитиш масканлари фаолияти йўлга қўйилди. Меҳнат бозорида талаб юқори бўлган 54 турдаги касблар, тадбиркорлик кўникмалари ва хорижий тиллар бўйича 2023 йилда 115,5 минг нафар ишсизлар касб-хунарга ўқишга жалб этилди. Бироқ яратилган шароитларни четлаб, тижоратда ҳам ишлаб чиқариш фаолиятини олиб борадиган корхоналарни учратиш мумкин, унинг штатида фақат директор ва бош ҳисобчи туради. Бундай фирмада фойдани кўпайтиришда яширин ишчиларнинг иштирокини қоплаш усуллари ва ёндашувлари фарқланади. Меҳнат шартномалари, умуман, тузилмайдиган корхоналар ҳам мавжуд бўлиб, ундаги иш сменасининг давомийлиги қонунан белгиланган меъёрдан анча ошиб кетиб, ишлаб чиқаришда шикастланиш ҳолати содир бўлган вазиятда ишчи

мутлақо ҳимоясиз қолади. Ишчилардан яширин фойдаланишнинг бошқа шаклини “ёввойи” бригадаларда ишлашга жалб қилиш, деб номлаш мумкин. Масалан, муайян қурилиш фирмаси штати раҳбар, бош ҳисобчи ва асосан, буюртмалар излаш билан банд прорабдан таркиб топган бўлса, уларни бажариш учун “ёввойи” ишчилар бригадаси жалб қилинади. Бунда бригада

билан иш ҳақи даражаси, ишни бажариш муддатлари ва меҳнат шароитлари бўйича сирли ёзма ёки оғзаки келишув тузилади. Буюртмачи билан шартномани фирманинг ўзи тузади. У фойданинг тақсимловчиси ҳам ҳисобланади (Kotliarov, 2015). Низолар одатда меҳнат натижалари бўйича мукофотлашда юзага келади ва “ёввойи” бригадалар учун натижасизлигича қолади Бундай бандлик кўламлари уй хўжаликларида

ишловчилар ҳамда юридик шахслар орасида мавжуд. “Кўринмас ишчилар”га нафақат туманлардан вилоят марказларига келиб ишловчи ишчи кучлари, балки мавсумий қурилиш ишларида банд бўлган кўплаб ишчилар, тарбиячилар, энагалар, ошпазлар, боғбонлар, ҳайдовчилар, ўқитувчилар, репетиторлар ва уй хўжаликларига хизмат кўрсатувчи бошқа касб вакиллари кирадилар. Афсуски, солиқлардан қочишга уриниш, бир кунлик фирмалар, деб номланган ҳолатларни вужудга келтирмоқда. Юқорида ҳолатлардан келиб чиқиб, Республикадаги бандликнинг ностандарт шакли билан банд бўлганлар ва ишсизлар кенгайиши ва ижтимоий меҳнат соҳасидаги беқарорлик жараёнларига йўл қўймаслик лозим. Бу борада уюшмаган ёшларни меҳнат жараёнига жалб қилиш, улар орасида тадбиркорликни ривожлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирларнинг амалга оширилиши муҳим кадам бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Kotliarov, I. D. (2015) ‘Atypical employment: positive, negative and neutral forms’, *Journal of Economic Regulation*, 6(4), pp. 28–36. doi: 10.17835/2078-5429.2015.6.4.028-036.
2. Б.Э.Тагаев Регулирование неформальной занятости в Узбекистане в условиях модернизации экономики. Вестник Российского экономического университета имени Г. В. Плеханова. 2020;(2):74-84. <https://doi.org/10.21686/2413-2829-2020-2-74-84>.
3. Э.Ф.Тураева Нестандартная занятость медиков в период цифровой экономики. Сборник материалов международной научно-практической конференции. Ташкентская Медицинская Академия. 10.11.2023г.
4. THE role of marketing and technology in the health care sector. Сборник материалов международной научно-практической конференции Академия МВД Республики Узбекистан. 28.09.2022г.